O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2194-4
2020 yil 20 aprel

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш” авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 9 декабрдаги 136-сон буйруғи (рўйхат рақами 2194, 2011 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш” авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Э. Ганиев**

Тошкент ш.,
2020 йил 17 март,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг
2020 йил 17 мартдаги
2-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш” авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. ЎАНМ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан келишилган ҳолда самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновини ташкиллаштирилишини, диспетчерларнинг ҲТҚБнинг намунали иш технологияларини, ҲТҚХК хизмати мутахассисларининг профессионал тайёргарлигига бўлган талабларни, ҲТҚХК тизими усулларини, жараёнларини ва ўтказиш лаёқатининг нормативларини, шу жумладан ҲТҚХК тизимининг лозим даражада ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган ходимлар сони миқдорини белгилайди ҳамда Агентлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҲТҚХК диспетчерларини бошланғич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади.”.

2. 57-банддаги “Дававианазорат” инспекцияси” деган сўзлар “Агентлик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.


DAVLAT
RO'YXATIDAN
O'TKAZILDI
2022 4
22.04.20